

VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2020 йилнинг январь-март ойларида 9671 та кичик бизнес субъектлари (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2019 йилнинг шу даврига нисбатан 90,4 % кўпdir), уларнинг сони 38006 тага етди.

2020 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 34557 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўткан йилнинг шу даврига қараганда 28,5 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 4082 таси (11,8 %) Зангиота, 3224 таси (9,3 %) Қибрай, 2581 таси (7,5 %) Тошкент, 2026 таси (5,9 %) Ўртачирчиқ, 1929 таси (5,6 %) Янгийўл, 1925 таси (5,6 %) Юқоричирчиқ туманлари ҳамда 1918 таси (5,6 %) Чирчиқ шаҳри хиссаларига тўғри келади.




Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг

иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да




2020 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 2244 тани ташкил қилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 612 тага ёки 21,4 % га камайган.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг йиллар кесимида сони, бирликда



Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг

Йилларкесимида ўсиш динамикаси, 1 апрель ҳолатига %да



Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2020 йил январь-март ҳолатига (жасига нисбатан %да)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 37,4 %), саноат (18,8 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (12,6 %) ва қурилишда (8,2 %) ташкил этилган.

2020 йилнинг январь-март ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2020 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 43,9 % (2019 йил январь-мартда 43,9 %) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2891,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 20,8 %) ёки 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 138,7 % ташкил қилди;

- 3070,8 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 93,0 % (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 91,4 %) ташкил қилди;

- 1660,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 52,4 %) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 109,2 % ташкил қилди;

- 458,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 48,2 %) бажарилди ва 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 113,4 % кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 103,6 % (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 52,5 %), йўловчи айланмасининг эса 101,7 % (умумий йўловчи айланмасининг 94,1 %) кўпайиши таъминланди;


-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 91,5 % ёки 3848,6 млрд. сўм (ўсиш 104,2 %) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 68,7 % ёки 2487,3 млрд. сўми (ўсиш 104,6 %) шакллантирилди;

- 105,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 29,4 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 290,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 43,4 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2020 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3070,8	86,2
Саноат	420,6	14,5
Курилиш	458,4	48,2
Чакана савдо	3848,6	91,5
Юк ташиш, млн.	10,1	20,1
Йўловчи ташиш, млн.кииши	141,3	85,1
Экспорт, млн. АҚШ долл.	105,4	x
Импорт, млн. АҚШ долл.	290,1	x

Ялпи худудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушкининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



	ЯХМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Савдо	Курилиш	Инвестиция	Хизматлар
■ 2019 йил январь-март	43,9	16,2	91,4	89,6	42,5	46,0	71,4
▣ 2020 йил январь-март	43,9	20,8	93,0	91,5	48,2	52,4	68,7